ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ОБРАЗИНИНГ БАДИИЙ ТАДРИЖИ (ШИРИН ОБРАЗИ МИСОЛИДА)

Нодира Холиқова
Тошкен вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
nodira.79@inbox.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада нафақат ўзбек мумтоз адабиётида, балки туркий ва форсий адабиётда эстетик идеал қаҳрамонга айланган Ширин образининг генезиси ва поэтик такомили ҳақида қисқача сўз юритилган. Ширин образига ҳамма давр шоирлари ҳам бирдек муносабатда бўлмаганлар. Мақолада Фирдавсий, Низомий, Деҳлавий, Навоий каби шоирлар яратган Ширин образи ва унинг достондан-достонга кўчиш асносида такомиллашиб боргани ҳақида кўплаб адабиётшуносларнинг фикр- мулоҳазалари келтирилган. Шу ўринда Ширин сўзининг этимологияси, тарихий келиб чиқиши ва, ниҳоят, бу тимсол йилдан-йилга, асрдан-асрга, халқдан-халққа ўтгани сайин сайқаллашиб, поэтик такомилга эришгани, тарихий образ саналувчи Ширин соф ва покиза ишқ тимсолидан илоҳий мазҳар даражасига етишгани, Алишер Навоий яратган Ширин образи айни шундай камолот ва илоҳий ишқ тимсоли экани ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: Хамса, Фирдавсий, Низомий, Дехлавий, Навои, Ориф Ардабелий, Сура, Сира, шир, севги, вафо, мукаммаллик, илоҳий мазҳар.

ARTISTIC DESCRIPTION OF THE IMAGE OF WOMEN IN UZBEK CLASSICAL LITERATURE (ON THE EXAMPLE OF SHIRIN'S IMAGE)

Nodira Kholikova
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region
nodira.79@inbox.ru

ABSTRACT

This article briefly discusses the genesis and poetic perfection of the image of Shirin, who became an aesthetic ideal hero not only in Uzbek classical literature, but also in Turkish and Persian literature. Poets of all times did not react to the image of Shirin equally. The article contains the opinions of many literary critics about the image of Shirin created by poets such as Firdavsi, Nizami, Dehlavi, Navoi and its development during the transition from epic poems to other ones. The etymology of the word Shirin, its historical origin and, finally, the fact that this symbol has been polished and poetically perfected from year to year, from century to century, from nation to nation are stated. It is also mentioned that Shirin, a historical

figure, rose from the symbol of pure love to the level of divine idyll, and the image of Shirin created by Alisher Navoi is the symbol of such perfection and divine love.

Keywords: Hamsa, Firdavsiy, Nizomiy, Dekhlaviy, Navoi, Orif Ardabeliy, Sura, Syrah, shir, love, fidelity, perfection, divine idyll.